

особенно во время выполнения сложных или трудных для наблюдения моментов. Задавать участникам вопросы, чтобы удержать их внимание, например: «Что я должен делать дальше?» или «Что может произойти, если ...?» Поощрять вопросы и предложения. Уделять демонстрации достаточно времени, чтобы участники могли увидеть и понять каждый шаг процедуры. Следует помнить, что цель демонстрации состоит в обучении участников навыкам, а не в показе ловкости и скорости работы преподавателя. Использовать оборудование и правильно.

Затем проводится самостоятельная тренировка участников (студента) под контролем преподавателя в правильной последовательности по шагам, согласно установленным стандартам.

Контрольные перечни шагов (чек листы) выполнения навыков применяются для объективной оценки выполнения этих навыков. После заполнения этот контрольный перечень вместе с замечаниями и рекомендациями преподавателя будет представлять собой объективный документ по определению уровня компетентности выполнения навыков каждым участником.

Оценка уровня приобретения навыков участниками (студентами) является звеном обратной связи между преподавателями и участниками, которая позволяет не только определить степень освоения материала конкретным студентом на текущий момент, но и определить адекватность методики преподавания по современным требованиям.

Таким образом, преподавание клинических навыков по неотложной медицинской помощи включает в себя правильную демонстрацию с применением современной технологии обучения (современные стандарты, фантомы и муляжи, общение между преподавателем и обучающимся), необходимые для закрепления практических навыков. Разработанные программы проведения практических занятий для совершенствования приобретения клинических навыков и навыков принятия клинических решений, как важной части профессиональной компетентности, позволяют совершенствовать качество образовательного процесса и обеспечить повышение уровня не только знаний (как было принято раньше), но и умений в частности оказания неотложной медицинской помощи.

**OLIY TA'LIM MUASSASALARI FAOLIYATIDA JAHONDAGI
YETAKCHI ELEKTRON NASHRIYOTLARNING DISSERTASIYA
FONDLARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI**

Ganiyeva B.I.

Material oliy ta'lim muassasalari faoliyatida elektron nashriyotlarning dissertasiya fondlaridan foydalanish masalalarini yoritadi. Ochiq elektron ta'limiy resurslar, mazkur resurslarni taqdim etuvchi nashriyotlarning resurslari, ulardan foydalanish

imkoniyatlari, ProQuest, DOAJ, RDK ning ilmiy ta'limiy resurslari, dissertatsiya bazalari haqida ma'lumot beradi va foydalanish yo'llarini ochib beradi.

Kalit so'zlar: oliy ta'lim muassasasi, ta'lim sifati, elektron noshirlik kompaniyalari, elektron ta'limiy resurslar, dissertatsiya bazalari.

OPPORTUNITIES FOR USAGE OF DISSERTATIONS' DATABASES OF THE WORLD LEADING DIGITAL PUBLISHERS IN HIGHER EDUCATION

B. Ganiyeva

This paper is prepared based on the study of open source educational resources and their usage in higher educational systems. It provides an information about the role of open source resources, such as dissertations' databases of ProQuest, DOAJ and RGL (Russian government library) in higher education.

Key words: high education, quality assurance, digital publishing companies, digital educational resources, dissertation databases.

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДИССЕРТАЦИОННЫХ ФОНДОВ ВЕДУЩИХ ЭЛЕКТРОННЫХ ИЗДАТЕЛЬСТВ МИРА В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Ганиева Б.И.

Материал подготовлен на основании изучения открытых электронных образовательных ресурсов и использованию их в системе высшего образования. Раскрывается роль открытых образовательных ресурсов, в том числе диссертационных баз электронных издательских компаний, таких как ProQuest, DOAJ, РГБ в системе высшего образования.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, обеспечение качества, электронные издательские компании, электронные образовательные ресурсы, диссертационные базы.

Таълим тизими – Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантириш истиқболларидан бири – таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш сифатини янада оширишдир. Жаҳонда таълим соҳасида кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда. Турли хил масофавий таълим тизимларининг жорий қилиниши, электрон таълим ресурслари, шу жумладан, очик электрон таълимий ресурсларнинг тақдим этилиши, шубҳасиз, жаҳон илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Очик таълимий ресурслар 2001 йил жаҳон миқёсида Massachuset технологик институтининг (MIT) Open Course Ware³³ лойиҳаси орқали ёйилди. Бунинг натижасида “очик контент”, “очик таълимий контент”, “очик таълимий ресурслар”, “очик таълим технологиялари” каби бир қатор тушунчалар адабиётларда, виртуал ва реал баҳсларда учрай


³³ <http://ocw.mit.edu>

бошлади. Бироқ, бугунги кунда кенг тарқалган “очик таълимий ресурслар” атамаси, 2002-йил YUNESKO томонидан ташкил этилган ривожланаётган мамлакатлар учун очик таълим тизимлари Халқаро Форумида қўлланилди. Бу форумнинг мақсади фойдаланувчиларга очик ресурслардан фойдаланиш йўллари тарғиб этишдан иборат эди. 2010-йилдан бошлаб очик ресурслар инглиз тилида сўзлашмайдиган бошқа мамлакатлар орасида ҳам кенг тарғиб этила бошлади.

Очик таълимий ресурслар – бу эркин фойдаланиш учун очик қўйилган ёки лицензияланган, лекин эркин фойдаланиш, қайта ишлаш рухсат этилган ўқув ёки илмий ресурслардир³⁴. Очик ресурслар ўзида турли хилдаги маълумотларни мужассамлантирган бўлади. Очик электрон ресурслар ташкил этилган тизимда ундан қандай фойдаланиш, қидириш, ресурсларни қандай олиш мумкинлиги батафсил ёритилган бўлиши лозим. Бугунги кунда техниканинг ривожланиши, турли технологик воситаларнинг жорий этилиши натижасида янги хизмат турлари, воситалари ва усуллари кенгаймоқда. Буларга электрон китоблар, мультимедиали дастурлар, очик таълимий ресурсларни, электрон нашриётларни мисол қилиш мумкин. Электрон таълимий ахборотларни етказишда электрон нашриётларнинг хизмати катта. Жаҳондаги электрон нашриётлар фондлари жуда бой бўлиб, исталган фан соҳасини қамраб олган мавзудаги мақола билан танишиш, тўлиқ матнга эга бўлиш имкониятини яратади. Шунингдек, электрон нашриётлар фондларидан жаҳоннинг турли мамлакатларида яратилган докторлик, магистрлик диссертациялари билан танишиб, тўлиқ матнга эга бўлиш имконияти мавжуд. Илмий фаолият билан шуғулланаётган ҳар бир тадқиқотчи ўз изланиши жараёнида бу соҳада дунё миқёсида бажарилган ишлар билан танишиб чиқиши муҳимдир. Диссертацияларнинг электрон шакли эса фойдаланувчилар учун бир қатор қулайликлар яратади. Масалан, дунёнинг исталган мамлакатада ҳимоя қилинган диссертациялар билан танишиш, тўлиқ матнга эга бўлиш, қидирувнинг қулай усуллари орқали қизиқтирган мавзуга оид тадқиқотларни тезда топиш кабилардир. Бугунги кунда ProQuest, DOAJ, РГБ (Российская Государственная Библиотека) электрон ресурслари диссертацияларга бойлиги билан ажралиб туради. Россия Давлат кутубхонасининг электрон диссертациялар кутубхонаси 1944 йилдан бошлаб, мамлакат ҳудудида ҳимоя қилинган барча илмий ишлар фондига эга. Умумий фонди 1 000000 дан ортиқ бўлиб, тиббиёт ва фармацевтикадан ташқари барча фан соҳаларини қамраб олган. Ҳар йили 30000 га яқин диссертациялар билан тўлдириб борилади. Интернет тармоғи орқали мамлакатнинг исталган еридан, 10 дан ортиқ Миллий ҳамдўстлик давлатлари ҳудудидаги фойдаланувчилар виртуал ўқув залидан фойдаланиш имкониятига эга. 1998-2003 йилларда иктисод, ҳуқуқ, педагогика, психология соҳаларига оид 28000 тўлиқ матнли манбалар, 2004 йилдан бошлаб тиббиёт ва фармацевтикадан ташқари барча фан соҳаларидаги 30000 манба

³⁴ Энди Лейн. Глобальные тенденции в развитии и использовании открытых образовательных ресурсов и их роль в реформе образования//Аналитическая записка.-Москва: Институт ЮНЕСКО по ИТ в образовании, 2010.-ноябрь.- С.2


электрон фондга жамланди. 2006 йилдан 1985 йилгача бўлган барча диссертациялар рақамли кўринишга айлантирилди. Ҳозирги кунда жами фонди 836206 тўлиқ матни ташкил этади. Электрон каталог бўлимларга ажратилган бўлиб, бу фонддан фойдаланишни осонлаштиради. Шунингдек, бепул диссертация ва авторефератларнинг мавжудлиги ресурсдан фойдаланиш кўрсаткичларини оширади. Ҳозирда Google орқали ҳам электрон ресурс сайтига кириш имкони мавжуд.



1-расм. DisserCat интерфейси

Ресурснинг DisserCat хизмати орқали қуйидаги хизмат турларидан фойдаланиш мумкин:

- қизиқтирган илмий мақолани, диссертация ёки авторефератни танлаб олиб саватчага солиш;
- буюртма тугмаси орқали керакли манбани буюртма қилиш; (доимий фойдаланувчиларга чегирма);
- танлаган диссертация иши учун ҳақ тўлаш;
- Ресурс ҳақидаги фикрларни қолдириш кабилардир.



2-расм. Бепул автореферат ва диссертацияларни юклаб олиш

Шундай электрон нашриётлардан яна бири бу - ProQuest. ProQuest-бутун дунё бўйича кутубхоналар ва ташкилотларда фаолият юритувчи барча ёшдаги изланувчиларнинг миллионлаб сўровларига жавоб берувчи жаҳондаги етакчи компаниялардан бири. Ахборот ва инсонларнинг бирлашувини, маълумотлар базасидан қидирувни амалга ошириш таклифларини беради. Компаниянинг электрон қидирув тизими ҳақида сўз кетганида шундай иборани келтириш ўринли: ”Сиз қидирасиз, ProQuest топади”. ProQuest маълумотлар базаси қидирув тизимининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- Кенгайтирилган қидирув: Search field ва Search operator. Рўйхатлари ёрдамида қидирувнинг кенгайтирилган усули амалга оширилади.
- Содда қидирув: қидирув майдонига керакли сўзни ёки иборани киритиш орқали керакли маълумот топилади.
- Маълумотлар ва ҳисоботлар: Қидирувнинг бу усулида компания бўлимлари ва маълумотлар бозори орқали аниқ йўналишга эга нашр этилган ҳужжат ва ҳисоботларни топиш мумкин.
- Жадваллар ва суратлар қидируви: Ушбу қидирув тизими орқали алоҳида индексланган визуал маълумотларни (графика, жадвал, иллюстрациялар, расмлар)ни кўплаб миқдорда топиш имкони яратилган.
- Иборалар қидируви: Бу қидирув тизими орқали фойдаланувчида маждуд маълумот (муаллиф фамилияси, ISBN коди) ёрдамида ахборотни тезда топиш имкониятини яратади.
- Некрологлар: Қидирувнинг ушбу тизими ёрдамида фойдаланувчи керакли бўлган маълумотларни чоп этилган ва маълумотлар базасига киритилган газеталардан топиш имкониятини беради.
- Нашрлар қидируви: Аниқ бир журнал номидан қидирув амалга оширилиб, зарур номеридан ёки барча чоп этилган номерларидан маълумотни қидириш имкони беради.

ProQuest минглаб манбалардаги миллионлаб маълумотларни қуйидаги бўлимларга бўлиб тақдим этади.

- Санъат;
- Бизнес;
- Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт;
- Тарих;
- Адабиётшунослик ва тилшунослик;
- Илм фан ва технологиялар;
- Ижтимоий фанлар.

Ҳужжат турлари турлича бўлишига қарамай ProQuest турли манбалардан тарихий ва замонавий ҳужжатларни қидириб топиш имкониятини яратади. Масалан: газеталар, диссертация, диплом ишлари (АҚШ Конгресс кутубхонасининг расмий рақамли архиви ҳисобланади.) Илмий журналлар, телерадио дастурлар, телеграф ва босмахоналар учун хабарлар, компаниянинг йиллик ва кунлик ҳисоботи, китоблар, хариталар, расмлар, жадвал, графика ва бошқа графикали маълумотлар Acrobat PDF файлида, газеталар, журналлар, ва

журнал мақолалари Microsoft Office файлида, сақланади. ”Менинг тадқиқотларим” рукнида рўйхатдан ўтиш орқали дунёнинг исталган еридан ProQuest ресурсларидан фойдаланиш, ProQuest Dialog тизими орқали маълумотларни сақлаш, саралаш имкониятига эга бўлинади. ”Менинг тадқиқотларим” рукнида рўйхатга ўтиш бепул ва бир неча дақиқа сарфланади. Ушбу рукн ёрдамида аъзолик гувоҳномасига эга бўлмасдан ҳам базадан фойдаланиш имконияти мавжуд.

2010 йилда компания расман иқтисод, бизнес ва менежмент соҳасидаги дунёдаги энг етакчи ахборот манбаи деб тан олинди.

- ❖ Cambridge University Press;
- ❖ Emerald Group Publishing;
- ❖ Incisive Media;
- ❖ Springer Science & Business Media каби жаҳондаги етакчи нашриёт ва компаниялар илмий журналларини ўз ичига олади.


Мазкур манба иқтисодий таълим учун зарурий бўлган барча ҳужжат турларини камраб олган. Яъни: 4500 журналлар (3200 та тўлиқ матн), 29000 дан ортиқ иқтисодга оид докторлик ва магистрлик ишларнинг тўлиқ матнларига эга. Шунингдек тиббиёт соҳасига оид 600000 дан ортиқ диссертациялар шулар жумласидандир.

ProQuest маълумотлар базаси ҳар йили 75000дан ортиқ ҳужжатлар билан тўлдириб борилади. Ҳужжатлар архиви 1637 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Рус тилидаги интерфейсга ва online таржимага эга эканлиги фойдаланувчилар учун қулай. Шунингдек, фан соҳалари бўйича маълумотларнинг ажратилганлиги ва ҳар бир бўлим учун махсус йўналтиргичнинг мавжудлиги ахборотлар оқимидан зарурий манбани, маълумотни топишни осонлаштиради. ProQuest нашриёти бир неча маълумотлар базаларига эга бўлиб асосий сайтдан махсус йўналтиргичлар ёрдамида бошқа базаларга ўтиш мумкин. Масалан:

- ❖ <http://www.proquest.co.uk/> ProQuest Technology Collection 1962 йилдан бошлаб нашр этилган илмий журналларнинг 2725 та тўлиқ матнларини, 16 млн. библиографик ва рефератив ҳужжатларни, 7,5 млн.дан ортиқ илмий мақолалардаги иллюстрацияларидан иборат.
- ❖ <http://www.proquest.co.uk/> ProQuest Digital Dissertations and Theses 80 мамлакатда ҳимоя қилинган докторлик ва магистрлик диссертацияларининг электрон тўплами. Жами 2,7 млн ишлардан 1,2 млн тўлиқ матнда.



3- расм. Қидирув интерфейси



4 - расм.Натижа интерфейси

- ❖ <http://www.proquest.co.uk/ProQuest> Agricultural Science Collection. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маълумотлар базаси тўпланган. Коллекциянинг битта платформага бирлаштирилган 3 та мукамал ресурсни ўз ичига олади:
- ❖ ProQuest Agriculture Journals;
- ❖ AGRICOLA;
- ❖ ProQuest Deep Indexing: Agriculture;
- ❖ <http://www.proquest.co.uk/ProQuest> Education Journals адабиёт, биология, география, математика, физика ва бошқа фанлар юзасига оид электрон журнал ва мақолаларни қамраб олган. Жами етакчи нашриётларнинг 900 та журналларининг тўлиқ матнлари, илмий институтлар, ташкилотлар ва ассоциациялар томонидан чоп этилган алоҳида соҳаларга оид 140 та нашрларнинг тўлиқ матнлари мавжуд. Масалан: American Annals of Death, Media and Methods.

- ❖ <http://www.proquest.co.uk/ProQuest> Psychology Journals Психология ва унинг бўлимларига оид тўлиқ матн базаларидан ташкил топган. 640 номдаги соҳага оид журналлар базасига эга. Журналлардан 540 номдагиси тўлиқ матнли бўлиб уларга мисол тариқасида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:
- ❖ The American Journal Of Psychiatry;
- ❖ The American Journal of Geriatric Psychiatry;
- ❖ Development and Psychopathology;
- ❖ Educational Psychology.

Электрон ресурсдан фойдаланувчи ўзи учун зарур бўлган маълумотларга оид турли жадваллар, графикаларни олиш имконига эга. Электрон нашриётларнинг ривожланиши изланувчилар учун катта имкониятлар бермоқда. Ресурсга аъзо бўлиш орқали жаҳоннинг етакчи нашриётлари маҳсулотлари билан танишиш уларни таҳлил қилиш имконини беради. Маълумотлар базасида тўлиқ матнларнинг мавжудлиги эса фойдаланиш самарасини оширади.

DOAJ (Directory of open access journals) очик ресурслари тизимига кириб, журналлар руйхатини кўриш имкониятига эга булиш мумкин. Бунда журналларнинг умумий сони ва улар ҳақида маълумот аниқ қилиб берилган, яъни журналнинг номи, қайси фан соҳасига оидлиги, қайси нашриётга тегишлилиги, журнал тили, ISSN рақами, нашр қилувчи мамлакат номи берилган. Бу журнал ҳақида дастлабки маълумотга эга булишга ёрдам беради. Қидирув тизимини осонлаштириш учун журналлар турли категориялар бўйича гуруҳларга ажратилган, яъни фан соҳаси, тил, нашриёт ҳамда нашр этган мамлакат бўйича блокларга ажратилган. Бу тизимнинг афзал томони, қидирув тизимининг осон ва қулайлиги, журналлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятининг, илмий жиҳатдан аҳамиятга молик маълумотларнинг мавжудлигидир. Электрон ресурс фондидаги мавжуд диссертацияларнинг авторефератларидан очик тизимда фойдаланиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда ProQuest, DOAJ ва РГБ электрон ресурслари диссертациялари фондининг тақдим этилиши олий таълим муассасаларининг, илмий тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари, илмий фаолият олиб бораётган мутахассислари учун зарурий манба ҳисобланади.

Республиканинг ахборот кутубхона муассасаларида ушбу ресурсларга кириш имкониятининг яратилиши илмий тадқиқотлар мазмунининг ортиши, салмоғининг кенгайиши ва олинаётган ҳар бир ахборотнинг ишончлилиқ даражаси кафолатлайди. Бу эса фан ва таълим соҳасини янада ривожланиши учун улкан замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.proquest.co.uk/>
2. www.Doaj.org
3. www.rsl.ru